

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАТНИЯЗОВ ЗАФАРБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ТУРИСТИК МАРШРУТ ОБЪЕКТЛАРИ
АРХИТЕКТУРА МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар-жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАТНИЯЗОВ ЗАФАРБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ТУРИСТИК МАРШРУТ ОБЪЕКТЛАРИ
АРХИТЕКТУРА МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар-жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РФД) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

УДК: 711.557:711.558:72.04

Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по архитектуре

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on architecture

Матниязов Зафарбек Эркинович

Оролбўйи минтақаси туристик маршрут объектлари архитектура
муҳитини ташкил этиш тамойиллари.....5

Матниязов Зафарбек Эркинович

Принципы усовершенствования архитектурной среды туристических
маршрутов Приаралья.....24

Matniyazov Zafarbek Erkinovich

The principles of improving the architectural environment of the Aral Sea
region tourist routes45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....48

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАТНИЯЗОВ ЗАФАРБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ТУРИСТИК МАРШРУТ ОБЪЕКТЛАРИ
АРХИТЕКТУРА МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар-жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/A57-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Адилон Зарифжон Ҳиматович техника фаилари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Рахимов Камол Джалолович архитектура фаилари номзоди, техника фаилари доктори, профессор Усманов Мурадхан Саидмахмудович архитектура фаилари номзоди
Етабчи ташкилот:	"Тошкентбошлан.ЛИТИ" Давлат унитар корхонаси


Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2021 йил 24» 08, соат 11» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент, А.Кодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.:+99871 235-43-30; факс: +99871 234-15-11; web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (62-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 08 кун тарқатилди.
(2021 йил «09» 08 даги 28 рақамли реестр баённомаси).


Д.А. Нозилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, арх.д., профессор


Ш.С. Реймбаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, арх.ф.н., доцент


А.А. Саидов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, арх.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпгина давлатларида тарихий ҳудудларнинг қадимий архитектура ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш, уларнинг архитектураси ва меъморий-бадий ечимларига эътибор қаратиш, улардан замонавий зиёрат туризми мақсадларида фойдаланиш эҳтиёжлари тугилмоқда. Шу сабабли ҳозиргача тўлиқ оммалаштирилмаган меъморий обидаларни ўрганиш, уларни янги сайёҳлик зиёрат маршрутларига киритиш, обидалар меъморий мухитини ландшафт ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жаҳон шаҳарсозлиги амалиётида қадимдан шаклланиб келган тарихий шаҳарлар ва ёдгорликлардан туристик маршрут йўналишларини яратишда сайёҳлик объекти сифатида фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва архитектуравий-режавий ечимларига эътибор бериш эҳтиёжи тугилмоқда. Бу борада тарихий шаҳарларда муҳим аҳамиятга эга бўлган мажмуалар, муқаддас қадамжолар, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, археологик қазилма ишларида аниқланган объектлар ва қадимий ёдгорликларни ўрганиш зарурати намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсида тарихий масканларининг пайдо бўлиши, эволюцион тараққиёти, тархий тизимларини ўрганиш, қайта тиклаш ва модернизациялашга бағишланган илмий тадқиқотларда қадимий ҳудудларнинг туристик имкониятларини ошириш, ёдгорликларнинг муҳофаза ҳудудини аниқлаш, сайёҳлик маршрутларини тузиш, муҳандислик таъмоқлари инфраструктурасини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда архитектура ёдгорликлари ва уларнинг элементларидан туристик маршрут ва марказлар архитектуравий мухитини яратишда қўллаш, ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлаш, қадимги сайёҳлик йўналишларининг вужудга келиш ва тараққий этиш жараёнларини тадқиқ этиш ҳамда режавий структурасига аниқликлар киритиш, уларнинг замонавий шаҳарсозлик маданияти ривожига таъсирини очиб бериш, тарихий ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини янада ошириш, маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш долзарб вазибалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда охириги йилларда архитектура-қурилиш таълими ва илмини янада такомиллаштириш, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва улардан самарали фойдаланиш, ҳудудларнинг туристик имкониятларини ошириш борасидаги муаммоларни тизимли ҳал этиш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб келинмоқда. "Мамлакатимизда туризмин ривожлантириш бўйича 2021 йилда ҳам изчил ислохотларни давом эттирамиз. Айниқса, зиёрат туризми ва ички туризмин ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади"¹. Бу борада туристик маршрутларнинг тарихий шаклланиш йўллари, архитектураси, меъморий-режавий тузилиши, шаҳарсозлик жойлашуви ва ривожланиш босқичларини аниқлаш, архитектуравий бадий безакларини,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

курулиш конструкцияларини ўрганиш ҳамда улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш архитектурашунослик ва зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 03 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон «Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2731-сон Қарори ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақавий туристик тизим ва туристик-рекреацион зоналарни ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг аксарияти географик (рекреацион районлаштиришни комплекс ўрганиш) ва туризм фанлари (туристик муассасаларнинг ички тизими, туристик экскурсия хизматлари тизими) соҳаларига, шунингдек маданий туризм асослари ўрганиладиган гуманитар фанларга тегишли.

Диссертациянинг назарий асослари туристик архитектура тадқиқ қилиш соҳасидаги айрим жиҳатларни очиқ берадиган турли йўналишдаги илмий тадқиқотчилар ишлари асосида шакллантирилган. Туристтик маршрутлар ва мажмуалар архитектураси хорижий илмий тадқиқотчи олимлар Rainer Jelinek², Jan Specht³, Hans Peter Jeschke, Peter Mandl⁴, Ivana Vukadinovic⁵, Marlien Lourens⁶, R. Sharpley⁷, В.А. Нефедов⁸, Л.Ю.

² Rainer Jelinek *Tourismus und Architektur* 2008.

³ Jan Specht *A contextual view on the role of contemporary architecture in urban tourism destinations: exploring why contemporary architecture is attracting tourism* 2015.

⁴ Hans Peter Jeschke, Peter Mandl *Eine Zukunft für die Landschaften Europas und die Europäische Landschafts konvention* 2012.

⁵ *Architecture in tourism* Ivana Vukadinovic 2011.

⁶ *The Underpinnings for Successful Route Tourism Development in South Africa* Marlien Lourens 2007.

⁷ Sharpley R., *Tourism & Development: Concepts & Issues* / R. Sharpley, D. John // Channel View Publications, 2002. - 408 p.

⁸ Нефедов В.А. *Архитектурно - ландшафтная реконструкция как средство оптимизации городской среды* 2005.

Смыковская⁹, Е.П. Голубева¹⁰, К.В. Лазарев¹¹ Е.К. Булатова¹², В.В. Ауоров, Г.С. Заикин, Х. Шенаса¹³, Д.М. Байрамова¹⁴ томонидан, Ўзбекистон туристик объектлар архитектураси йўналишлари ҳамда объектларини лойиҳалаш масалалари устида В.А. Нильсен, Д.А. Нозилов, А.С. Уралов¹⁵, О.М. Салимов¹⁶, М.К. Аҳмедов¹⁷, А.О. Ҳасанов¹⁸, Л.А. Камилева, М. Тўхтаходжаева, К.Д. Рахимов¹⁹, Г.С. Дурдисева, Т.А. Ҳидоятлов, Т.Ш. Маматмусаев, Н.В. Дробченко²⁰, К.Д. Саттарова²¹, Х.Х. Камилова²² ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар.

Шунингдек, туризм муаммолари ва ечимлари юзасидан бирқанча тадқиқотчилар томонидан экологик туризмининг ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Е. Боо²³, Х. Аяла²⁴, Е. Маттеус²⁵, А.К. Алымов²⁶, М.Т. Алиева²⁷ ва бошқаларнинг ишлари каби.

Бугунги кунда туристик инфратузилма архитектуравий муҳитларини шакллантиришга асосланган туризмининг ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид тадқиқот ишлари ҳозиргача олиб борилмаганлиги ушбу мавзунинг чуқур ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация

⁹ Смыковская Л.Ю. *Формирование планировочной структуры туристских центров в сложившихся рекреационных районах: авторефер. дис. канд. архитектуры: 18.00.04 - М., 1981. - 19 с.*

¹⁰ Голубева Е.П. *Принципы формирования архитектуры рекреационно досуговых комплексов: дис. канд. архит.: 18.00.02 - Нижний Новгород, 2006. - 195 с.*

¹¹ Лазарев К.В. *Методы архитектурно-ландшафтной реабилитации нарушенных территорий* 2003.

¹² Булатова Е.К. *Формирование архитектурной среды туристского центра для малых и средних городов (на примере Южного Урала): дис. канд. архит.: 05.32.20 - Нижний Новгород, 2014. - 139*

¹³ Шенаса Х. *Архитектурно-планировочная организация зоны туристической активности в городах Ирана: дис. канд. арх.: 05.23.22. - М., 2010. - 144 с.*

¹⁴ Байрамова Д.М. *Архитектурное формирование культурно-туристических комплексов в исторической среде Туркменистана* 2017.

¹⁵ Уралов А.С., Садиқова С.Н. *Ўрта Осиё анъанавий "чорбоғ" услуби ва замонавий боғ-парк санъати. -Т., 2012.*

¹⁶ Салимов О.М. *Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш. -Т., 2020, 320 бет.*

¹⁷ Аҳмедов М.К. *Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. -Т., 1996.*

¹⁸ Ҳасанов А.О. *Ўзбек миллий автомагистралда йўл бўйи сервис мажмуаларининг меъморий шакллантириш. Автореферат. -Т. 2017, 37 бет.*

¹⁹ Рахимов К.Д., Уралов А.С. *Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. -Т., 2013.*

²⁰ Дробченко Н.В. *История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане. Автореферат дисс. на с.у.с.канд. арх. -Т., 2004.*

²¹ Саттарова К.Д. *Декоративная дендрология и цветоводство. -Т., 2010.*

²² Камилова Х.Х. *Проектирование много - функционального парка города. -Т., 2007.*

²³ Boe E., *Ecotourism: The Potentials and Pitfalls. Volumes 1-2. World Wildlife Fund. Washington, 1990.*

²⁴ Ayala H. *Ecoresort: A 'Green' master plan for the international resort industry. International Journal of Hospitality Management, 14, 1995. - P. 351-374.*

²⁵ Matthews E.J. *Ecotourism: Are current practices delivering desired outcomes? A comparative case study analysis. April 30, 2002. Blacksburg, Virginia.*

²⁶ Алымов А.К. *Қорақалпоғистон республикасида экологик туризмининг ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва индикаторлари* Автореферат. Самарқанд - 2018.

²⁷ Алиева М.Т. *Иқтисодий ва экологик туризм хизматлари соҳасининг бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида)* Автореферат. Самарқанд - 2019.

тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФЗ-201902192+201902197 “Кўнгирот-Мўйнок автомобиль йўл ёқаларининг инновацион ландшафт дизайни ечимини ишлаб чиқиш” (2019-2021 йй.) инновацион лойиҳа мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйининг туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларида туристик марказларни ташкил этиш ҳамда туристик маршрут объектлари архитектура муҳитини шакллантиришнинг асосий хусусиятларини ва тамойилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикасида туристик маршрутларнинг ҳудудий турларини, ядроларини, ҳудудий-макон зоналар локализациясини ва маҳаллий туризмнинг асосий сабабларини аниқлаш;

туристик ҳудудларни ташкил этиш, ривожлантириш учун зарур бўлган асосий мезонлар, шароитлар ва доминант омиллар гуруҳини очиб бериш;

минтақада туристик фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд заруриятлар, шароитлар ва омилларни очиб бериш;

меъморий объектларнинг туристик салоҳияти даражасини аниқлаш ва баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

сайёҳлик индустрияси доминант омиллари етарли бўлмаган ҳудудлар жозибadorлигини, ташриф буюриш муддатини, мавсумийлигини таъминловчи минтақавий хусусиятларни қамраб олган туристик марказнинг функционал-режавий таркибини ишлаб чиқиш;

Оролбўйи сайёҳлик маршрутлари шароитида янги меъморий, диққатга сазовор жойларни яратиш учун асосий тамойиллар гуруҳини шакллантириш;

мураккаб экологик иқлим шароитга эга бўлган ҳудудларда ландшафт муҳитини яратишда кўкаламзорлаштириш усулларини қўллаш имкониятларини очиб бериш;

инфратузулма тармоқлари ривожланмаган туристик ҳудудларда муқобил энергия ресурслардан фойдаланиш имконияти берадиган технологияларни таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Оролбўйи минтақаси сайёҳлик маршрутлари ёдгорликлари ва туристик архитектура муҳити объектлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини туризмнинг меъморий муҳитини шакллантириш ва ташкил этиш хусусиятлари, ривожланиш йўллари, уларни минтақавий архитектура ва шаҳарсозлик амалиётига мослаштириш имконияти ҳамда илмий-лойиҳавий материаллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик, киёсий, интернет материаллари ва меъморий лойиҳаларни таҳлил қилиш, жойида кузатув, илмий маълумотларни тизимлаш, киёсий таҳлил қилиш ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

сайёҳлик индустрияси доминант омиллари етарли бўлмаган ҳудудларда сайёҳларни жойлаштириш, овқатланиш, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим, маданий-маърифий, бизнес, оилавий тадбирлар, спорт, соғломлаштириш,

рекреацион ҳудудлар, савдо ва агротуризм хизмат турларининг самарали комбинацияси асосида туристик марказлар жозибadorлигини, ташриф буюриш муддатини, мавсумийлигини таъминловчи “туристик оазис”ларнинг функционал-режавий таркиби ишлаб чиқилган;

объектларнинг тарихий қиймати, визуал-эстетик жозибadorлиги, ташриф буюриш имкониятлари ва ҳудудда узоқ муддат давомида вақт ўтказиш шароитлари асосида уларнинг туристик салоҳият даражасини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилган;

Қадимги Хоразм археологик ёдгорликлари, маҳаллий халқлар этник маданият объектларининг ҳажмий-режавий, композициявий, конструктив ва безак услубларини Оролбўйи туристик маршрут архитектура муҳити объектларини яратишда қўллаш зарурияти далилланган;

туристик инфратузилма объектларининг функционал ва режавий ечимлари бўйича “Yurt camp” кемпинг-ўтов лагери, “Овчилар овули” мажмуаси, “Орол фожеаси” хиёбони, “Мўйнок” - туристик оазис комплекси объектларининг концептуал лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилган ва 3D виртуал моделлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туристик маршрутлар меъморий муҳитини ташкил этишнинг асосий (бирламчи) тамойиллари шакллантирилган;

сайёҳлик ҳудудларни шакллантиришнинг “сабаблари” ва доминант омиллар гуруҳларини қўллаш тамойиллари такомиллаштирилган;

туристик ва рекреацион ҳудудлар, туризм учун меъморий муҳитни шакллантиришнинг тарихий ва назарий шартлари ҳақидаги илмий билимлар кенгайтирилган;

ҳудудий меъморчилик амалиётига туризм объектларининг параметрларини, микдорий хусусиятларини, туристик салоҳиятини баҳолаш услуги ишлаб чиқилган;

Оролбўйи минтақаси сайёҳлик маршрутларида рекреацион ҳудудларни самарали жойлаштириш ва бошқа туристик объектларнинг композициявий ечимларини яратиш таклифлари ишлаб чиқилган;

замонавий сайёҳлик марказларини яратиш, қайта қуриш ва туризмни ривожлантириш концепциялари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертацияда қўлланилган илмий ёндашув ва назарий маълумотларнинг экспериментал лойиҳалаш орқали амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилганлиги билан жорий этилган натижаларнинг соҳага тегишли республикадаги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, ҳулоса ҳамда олинган натижаларнинг республика лойиҳалаш ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти архитектура, туризм соҳасидаги билимларни кенгайтириш, бойитиш, аҳолини ижтимоий иқтисодий ва яшаш шароитини яхшилаш билан бирга олий таълим муассасаларида, “Архитектура муҳитини лойиҳалаш”, “Шаҳарсозлик”, “Ландшафт дизайни” ва “Мебель дизайни”

фанларини ўқитишда, туризм ва меъморий лойиҳа ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишда аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туристик маршрутлар ва сайёҳлар маркази архитектура муҳити объектларини ташкил этишда, уларга миллий тус беришда, янги кўринишдаги замонавий тематик, этник оазисларни лойиҳалашда, ҳамда архитектура, шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни таълим йўналишларида ўқув жараёнида қўлланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оролбўйи минтақаси туристик маршрут объектлари архитектура муҳитини ташкил этиш тамойиллари мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сайёҳлик индустрияси доминант омиллари етарли бўлмаган ҳудудларда сайёҳларни жойлаштириш, овқатланиш, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим, маданий-маърифий, бизнес, оилавий тадбирлар, спорт, соғломлаштириш, рекреацион ҳудудлар, савдо ва агротуризм хизмат турлари комбинацияси асосида туристик марказ жозибadorлигини, ташриф буюриш муддатини, мавсумийлигини таъминловчи “туристик оазис”нинг функционал-режавий таркиби оид ҳулосалардан Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 4 майдаги 03-16/821-сон маълумотномаси). Натижада, туристик ҳудудлар салоҳиятини, самарадорлигини кўтариш ҳамда сайёҳлик марказларни архитектуравий лойиҳалаш назариясини кенгайтириш ва илмий бойитиш имконияти яратилган;

туристик инфратузилма объектларининг функционал ва режавий ечимлари бўйича “Yurt camp” кемпинг-ўтов лагери, “Овчилар овули” мажмуаси, “Орол фожеаси” хиёбони, “Мўйноқ”- туристик оазис комплекс объектлари лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилган ва 3D виртуал моделлари асосида яратилган видео-роликлар Туризм ва спорт вазирлиги тасарруфидаги ижтимоий тармоқларга жойлаштиришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт Вазирлигининг 2021 йил 4 майдаги 03-16/821-сон маълумотномаси). Натижада, республикамизда туризм архитектурасини янги босқичга кўтариш ҳамда электрон туризмни ривожлантириш имкони яратилган;

Оролбўйи туристик маршрут архитектура муҳитини яратишда Қадимий Хоразм археологик ёдгорликлари, маҳаллий халқлар этник маданият объектларининг ҳажмий-режавий, композициявий, конструктив ва безак услубларини қўллаш тамойиллари, меъморий объектларнинг тарихий қиймати, визуал-эстетик жозибadorлиги, ташриф буюриш имкониятлари ва сайёҳларнинг узоқ муддат давомида вақт ўтказиш шароитлари асосида ишлаб чиқилган объектнинг туристик салоҳият даражасини аниқлаш методологияси Маданият вазирлигининг лойиҳалаш ва таъмирлаш фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги Маданий Мерос Департаментининг 2021 йил 3 майдаги 01-01/БМ-716-сон маълумотномаси). Натижада, маданий мерос бойликларини сақлаб қолиш ва кенг оммага тарғиб этилишига эришилган, шу билан бирга меъморий объектнинг туристик салоҳият даражасини аниқлаш методологияси

республикамизнинг тарихий ва туристик ҳудудларида янги архитектура объектларини барпо этишда кенг фойдаланиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг натижалари 25 та илмий ва илмий-услубий ишлар, шу жумладан 1 та саноат намунаси патенти, 4 та муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган нашрларда 8 та илмий мақола (улардан 4 таси хорижий нашрларда: 2 таси Scopus базасидаги ва 2 таси юқори “Impact Factor”га эга журналларда), 12 та илмий тезислар конференция материалларида (улардан 2 таси халқаро, 10 таси республика конференцияларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, ҳулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация матнининг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгиллиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби “**Туристик маршрутлар ва марказларни шакллантириш тамойиллари**” деб номланиб, унда туристик меъморий муҳитни шакллантириш билан боғлиқ тушунчалар, таърифлар, умумий қабул қилинган талқинлар, туристик маршрут турлари, туристик марказлар типологияси ва бугунги кунда Қорақолпоғистонда мавжуд бўлган асосий туристик маршрутлар хусусиятлари кўриб чиқилган.

Асосий тушунчалар ва таърифлар бўлимида “туризм”, “дам олиш”, “рекреация”, “туристик ресурс”, “туристик салоҳият”, “туристик марказ”, “туризм маркази”, “туристик маршрутлар” каби тушунчалар ва умумий қабул қилинган талқинлар ўрганилган. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунида “туризм” - “жисмоний шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинча ташрифи давомида мамлакатдаги (жойдаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”²⁸ деб белгиланган. Замонавий талқинда “дам олиш (рекреация)” атамаси инсон кучини тиклашга

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги ЎРҚ-549 сонли Қонуни 18.07.2019. <https://lex.uz/docs/4428097>

қаратилган ҳар қандай фаолият ёки ҳаракатсизлик ҳолатини англатади, уни доимий яшаш ҳудудиди ҳам, ундан ташқарида ҳам амалга ошириш мумкин²⁹. "Рекреация" ва "туризм" тушунчаларининг аниқланган синонимик ишлатилишига асосланиб, илмий адабиётларда "туристик ресурслар" ва "рекреацион ресурслар" тушунчалари тенг маънода ишлатилади.

"Рекреация ресурслари" – бу ўзига хослиги, тарихий, бадний киймати, ноёблиги, эстетик жозибаси ва соғломлаштириш аҳамияти каби хусусиятларига кўра, географик муҳитнинг таркибий қисмлари ва антропоген фаолият объектлари^{30,31}. "Рекреация потенциали" тушунчаси маълум даражада қабул қилинган "рекреацион фаолиятни ривожлантириш шартлари ва омиллари" тушунчаси билан бир хилдир³², фарқи рекреацион потенциал ханузгача фойдаланилмаган келажакдаги туристик ва рекреацион ҳудуднинг ресурс салоҳиятини акс эттиради. Олиб борилган илмий тадқиқотларда "рекреацион", "туристик" ва "туристик-рекреацион" атамалар тенг деб ҳисобланади, аммо улар "ресурс" ва "потенциал"га ажратилади. "Ресурс" атамаси, "потенциал" дан фарқли ўлароқ, объектларнинг бир ёки бир нечта фойдали бирликларнинг мавжудлигини белгилайдиган мавзу категориясини тавсифлайди³³.

"Туристик архитектуравий муҳит" – бу туристик фаолиятни амалга ошириш учун ўзаро боғлиқ функционал зоналардан, яхлит архитектура ва туристик салоҳиятга эга элементларидан ташкил топган, коммуникация алоқалари (пиёда, транспорт, маршрут ва бошқалар) билан сайёҳлар учун ягона қулай майдонга бирлаштирилган яхлит фазовий тизим³⁴. "Туристик маршрут" – бу турли хил фаоллик даражаси билан тавсифланган ҳудуд ва объектлар билан боғланган, географик жиҳатдан белгиланган йўналиш.

Туристик маршрутлар турлари. Туристик йўллардан (автомобил ва темир йўллар, велосипед ва пиёдалар йўллари, туристик инфратузилма объектларига қирадиган сайёҳлар ҳаракати учун жиҳозланган сув туристик маршрутлари) фарқли ўлароқ, туристик маршрутлар сайёҳлар учун тематик ажралиб турадиган йўллардир. Маршрутлар турли мезонларга асосланиб мақсадига, маршрут шаклланишига, ҳаракатнинг мавсумийлигига, давомийлигига, ҳаракат усулларига ва мазмунига кўра таснифланади.

Мақсадига кўра туристик маршрутлар тематик, сайл қилиш, соғломлаштириш ва аралаш(комбинацияланган) турларига бўлинади³⁵. Маршрутлар шаклланишига кўра: чизикли (йўналиш бўйи жойлашган бир ёки бир нечта пунктларга ташриф буюриш); радиал маршрут – бу ташрифнинг

бошланиши ва охири бир географик нуктасида содир бўлади; доиравий – маршрутнинг бошланиш ва тугаш нукталари тасодифан ва маршрут бўйлаб бир нечта нукталарга ташриф буюриш; комбинацияли маршрут – у ёки бу комбинацияда чизикли, доиравий ва радиал маршрутларнинг барча элементларини ўз ичига олган маршрутларнинг асосий турларидан ташкил топган. Бундан ташқари, улар сайёҳлик маршрутларини ҳаракатларнинг мавсумийлигига қараб ажратишлари мумкин³⁶.

Юқорида келтирилган турлардан ташқари туристик маршрутларни ҳудудий (чегаравий) шаклланишига кўра асосланган турлари ҳам мавжуд:

- шаҳарни томоша қилиш маршрутлари;
- "шаҳар – шаҳар атрофи" маршрутлари;
- шаҳар ташқарисидаги маршрутлар;
- мамлакат, минтақа маршрутлари;
- трансчегаравий маршрутлар;
- транзит маршрутлар.

Туристик марказлар типологияси. Туристик маршрутларнинг бўғини ва энг оддий бирлиги сайёҳлик маркази – шаҳар, табий объект, жамланган туристик ресурслар асосида туристик ва экскурсия хизматлари комплекси яратилган ҳудуднинг бўлими ҳисобланади. Бундай мажмуа сайёҳлар учун турар жой бинолари, умумий овқатланиш корхоналари, савдо корхоналари, спорт иншоотлари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат.

UNWTO (Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти) мутахассислари томонидан таклиф қилинган туристик марказлар классификациясини тузишда энг муҳим нарса шаҳарларнинг сайёҳликка йўналтирилганлигини ҳисобга олиш бўлиб, бу туристарнинг рекреацион фаолиятига асосланган, бешта ихтисослашган тури ажратилган: маданий туризм марказлари, воқеа туризм марказлари, курортлар ва тиббий туризм марказлари, зиёратгоҳлар марказлари, халқаро туризм марказлари.

Туристик марказларнинг типологиясини миқдорий жиҳатдан аниқлаштириш - ихтисослашишдир, у "типик хусусиятлар"нинг намоён бўлиш ўлчови сифатида хизмат қилади³⁷. Туристик марказларнинг типик хусусиятлари туризмнинг объектив ва субъектив томонларини, яъни туристик ва рекреацион ресурсларнинг мавжудлиги ва аҳолининг туристик мотивациясини ўзаро боғлайди.

Туристик марказ муҳитини ташкил қилишнинг замонавий тизимини тарихий Европа шаҳарлари мисолида кўриш мумкин, бу ерда тарихий шаҳарларни ва маданий мерос объектларини асраш, сақлаб қолиш туристик функцияларни жалб қилиш орқали эришилади³⁸.

Натижада тегишли турларга эга туристик фаолиятни ташкил этишда иштирок этадиган етакчи таркибий қисмлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси учун тўртта туристик марказлар тоифаси аниқланди:

²⁹ Николаенко Д.В. Рекреационная география: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений // - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. - 288 с.

³⁰ Преображенский В.С. (ред.) Теоретические основы рекреационной географии. Москва: Наука, 1975.-223 с.

³¹ Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география // - М.: Изд-во МГУ, 1981. - 208 с.

³² Биржаков М.Б. Введение в туризм // СПб.: Изд. Дом Герда, 2001. - 320 с.

³³ Булатова Е.К., Ульчицкий О.А. Архитектура туризма и туристических комплексов: учебное пособие / ФГБОУ ВО "Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова" 2017. 85 с.

³⁴ Булатова Е.К. Формирование архитектурной среды туристского центра для малых и средних городов (на примере Южного Урала): диссертация канд. архитектуры: 05.23.20 // -И.Н., 2014. -213 с.

³⁵ Квартальный В.А. Туризм: теория и практика: Избранные труды. В 5-ти т. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 196 с.

³⁶ Экономика и менеджмент на транспорте: Сб. научных трудов/ Под ред. Кононовой Г.А., СПб., 2008.- 295 с.

³⁷ Орлов М.А. Крупные туристские центры // - М.: Стройиздат, 1983. 159 с.

³⁸ Orbasi A. Historic towns: Tourism, conservation, development, with particular reference to turkish towns / The University of York (United Kingdom) 1994.-278 p.

1-тоифа - маданий-маърифий туризм маркази. Саноат маркази, тарихий ва маданий марказ, илмий марказ.

2-тоифа – воқса туризми маркази. Глобал аҳамиятга эга воқсалар маркази, миллий ва маҳаллий аҳамиятга эга воқсалар маркази.

3-тоифа – экотуризм маркази. (Орол денгизи, Судоча кўли, Акчакўлқўли).

4-тоифа – зиёрат марказлари. Диний туристик марказлар, меъморий зиёратгоҳлар.

Қорақалпоғистоннинг асосий туристик маршрутлари. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг марказий қисмидан, пойтахтдан узоқ масофада жойлашгани, туристик объектларнинг зичлиги пастлиги, уларнинг транспорт билан таъминланганлик даражаси пастлиги, йўлларнинг жисмоний ҳолати ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, туристик жараёнлар минтақанинг маълум ҳудудларида локализация қилинганлигини ва ҳудудий-макон зоналарини ташкил топганлигини кўришимиз мумкин, уларнинг асосий ядролари: "Қадимги Хоразм қалъалари"; "Игорь Витальевич Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи"; "Орол денгизи" ҳудуди.

Айни пайтда Қорақалпоғистонда турли хил ҳудудий сайёҳлик йўналишлари мавжуд:

Халқаро (транзит ва транс-чегаравий туризм, Қозоғистон – Қорақалпоғистон - Туркменистон);

Вилоятлараро (Қорақалпоғистон – Хоразм);

Ички (Қорақалпоғистон Республикаси ичиди).

Минтақада саёҳат қилиш асосий сабаблари ва туристик фаолият турлари: маданий-маърифий туризм; зиёрат туризми; эко-туризм.

Аммо замонавий талабларга жавоб берадиган иккинчи ва учинчи гуруҳ объектлари деярли мавжуд эмас. Қулай шарт-шароитларни яратиш ва ушбу йўналишда сайёҳлик маршрутининг кизикарли сценарийсини ташкил этиш учун, асосан архитектуравий муҳит объектларини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини амалга ошириш лозим.

Диссертациянинг II боби "Туризм индустриясининг ривожланиш тенденциялари" деб номланиб, ушбу боб ҳудудларни сайёҳлик ресурс салоҳиятига; меъморий ва туристик салоҳият объектларининг таснифланишига; сайёҳлик фаолиятининг ривожланиш тенденцияларига; туристик марказларнинг шаклланиш босқичларига; туристик марказларни ташкил этишнинг таркибий-режалаштириш ва функционал-фазовий схемалари ишлаб чиқилишига; туристик марказларни шакллантиришнинг асосий шартлари ва омилларини аниқлашга; туристик марказларни ва маршрутларни шакллантириш тамойилларига; Қорақалпоғистондаги мавжуд шароитлар, омиллар, сайёҳлик ресурслар таҳлили натижасида туристик марказларни шакллантириш схемасига бағишланган.

Ҳудудларни туристик ресурс салоҳияти. Туристик ҳудудларнинг ҳажмий-фазовий муҳитини яратишда туристик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни янада самарали амалга ошириш учун ижтимоий-маданий муҳит хусусиятларини ҳам инобатга олиш лозим.

Туристик тизимини ташкил этишда функционал таъсир кўрсатадиган иккита йўналишга бўлинган даражалардан иборат:

1-гуруҳ, туристик фаолиятнинг тематик зоналари: маданий мерос объектлари; архитектура туризми объектлари; саноат объектлари; шаҳарларни шакллантирувчи муҳим ҳудудлар; дам олиш ва кўнгилочар муассасалар; томоша қилиш нукталари ва кузатув майдончалари; маданий ва кўнгилочар очил муассасалари; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар; рекреацион шаҳарсозлик объектлари; рекреацион ҳудудлар.

2-гуруҳ, инфратузилма муҳити объектлари: туристларни жойлаштириш воситалари; транспорт пунктлари; сувенир маҳсулотларини сотиш муассасалари; умумий овқатланиш пунктлари; ахборот-тарқатиш марказлари; қўшимча хизмат кўрсатувчи корхоналар.

Туристик эҳтиёжларни қондириш фақатгина барча даражадаги объектларнинг мураккаблиги ва мувофиқлаштирилган фаолияти асосида таъминланиши мумкин. Бирок, барча тарихий ва маданий мерос объектлари минтақага сайёҳларни жалб қила оладиган дикқатга сазовор объект бўла олмайди³⁹.

Сайёҳлик фаолиятининг ривожланиш тенденциялари. Яқин кунларгача туризм, асосан дам олиш мақсадларида амалга оширилган, лекин сўнгги пайтларда биз сайёҳатларни янги мақсадлари ривожланишини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Замонавий туризмнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: маданий ва кўнгилочар тадбирлар; спорт туризми; бизнес сайёҳат; диний (зиёрат) туризм; ностальгия туризми; даволаниш-соғломлаштириш туризми.

"Энг катта дикқатга сазовор жойлар" деб тан олинган объектларга энг кўп ташриф буюрилади. Умумий қабул қилинган жамоатчилик фикри бўйича, улар кўп куч, вақт ва маблағ сарфлашни талаб қилса ҳам, албатта кўришлари керак деб ҳисобланади: цивилизациянинг пайдо бўлган ва гуллаб-яшнаган жойлари; умумжаҳон мерос ёдгорликлари; музейлар; тарихий воқсалар ва шахслар билан боғлиқ жойлар; ноёб меъморий ва муҳандислик иншоотлар; рамзли моҳиятга эга жойлар; парклар - боғдорчилик санъати ёдгорликлари.

Ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун зарур шароитлар. Туризм ресурслари туризмни ташкил қилиш учун муҳитни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралади^{40,41}. Туристик ҳудудларни тиклашнинг замонавий йўналишлари уларнинг ландшафт ва шаҳарсозлик хусусиятларини инобатга олишга асосланади.

Туристик ҳудудларни шакллантиришда шаҳарларнинг функционал ва режалаштиришнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

сайёҳлар яшаш жойлардан етарлича салоҳиятга эга объектларга стиб боришнинг қулайлиги;

³⁹ Дроздов А.В. Выявление, оценка и использование туристических ресурсов России: современная ситуация, проблемы и пути их решения. // Актуальные проблемы туризма: Сб. научных трудов РМАТ, М., 1997.

⁴⁰ Чжу Бинсы. Принципы формирования планировочной и функциональной структуры туристической системы Пекина и его пригородов: автореф. дис. канд. архитектуры: 18.00.04 / Бинсы Чжу. - СПб., 2009. - 23 с.

⁴¹ Лемегов А.В. Предпосылки совершенствования планировочной композиции городов Урала // Региональные проблемы планировки, застройки и благоустройства населенных мест Урала. - Свердловск: Урал-АРХИ, 1990.

туристик эҳтиёжлар ва туристик салоҳиятнинг ўсиши;
туристик ҳудудларнинг ривожланиш имконияти;
маҳсуе жамоат туристик жойларнинг мавжудлиги.

Зорин И.В. томонидан таклиф этилган сайёҳлик ҳудудларни шакллантиришнинг “сабаблари” ва доминант омиллар гуруҳи таклиф этилган⁴²:

локализация омиллари (ўрганилаётган ҳудуднинг географик жойлашуви);
амалга оширувчи омиллар (ресурсларнинг мавжудлиги);
яратувчи омиллар (туристик контингент эҳтиёжлари).

Тадқиқотлар доирасида ички сайёҳлик маршрут ва марказларини шакллантириш босқичлари таҳлил қилинди. Бунинг натижасида туризмни ривожлантириш учун меъморий муҳит, ҳамда уни таркибий жиҳатдан ташкил этишнинг тарихий жиҳатларига асосланган асосий (бирламчи) тамойилларини аниқлашга имкон берди. Булар қуйидаги бешта тамойилдан иборат^{43,44}:

“Туристик архитектура объектларининг ёдгорликлар ҳудуди билан фазовий ва визуал боғланиш тамойили”;

“Туристик макссадларда ёдгорликлардан фойдаланиш ва мослаштириш тамойили”;

“Туристик мавзу тамойили”;

“Сценар ёндашув” тамойили;

“Яхлитлик тамойили”.

Қорақалпоғистонда туризмни ривожлантириш учун мавжуд шароитлар ва сайёҳлик ресурслари. Айни пайтда, туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишлари долзарб бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган ва буларни ақсарияти Қорақалпоғистон туризм индустриясини ривожлантиришга йўналтирилган.

Минтақанинг туристик ресурсларидан ҳозирги даврда табиий, маданий ва тарихий турларини белгилаб ўтишимиз мумкин. Сайёҳларнинг эътиборини жалб қиладиган асосий объектлар: И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи (Нукус ш.); “Кемалар кабрисони” (Мўйноқ ш.); Орол денгизи; Судочье кўллари гуруҳи; Акчакўл; Қадимий Хоразм археологик ёдгорликлари.

Изланишлар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида сайёҳлик марказларини ривожлантиришга таъсирқиладиган қуйидаги муаммолар аниқланди:

сайёҳларни жалб қилувчи объектлар ривожланган аҳоли яшаш пунктларидан узоқ масофада жойлашганлиги;

туристик маршрутлар инфратузилмасининг талаб даражасида эмаслиги;

етарли миқдорда профессионал кадрлар туристик sanoatнинг барча соҳаларида хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси пастлиги;

Республика туристик маҳсулотини жаҳон ва ички сайёҳлик бозорларида тарғиботи сустлиги.

Минтақада янги туристик ҳудудларни лойиҳалаш шароитларидан келиб чиққан ҳолда, сайёҳлик муҳитини мавжуд ва янги барпо этиладиган архитектура объектлари туристик салоҳияти даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилиши зарурияти аниқланди.

Бу методология ёрдамида меъморий объектнинг тарихий киймати, визуал-эстетик жозибдорлиги, ташриф буюриш имкониятлари ва узоқ муддат давомида вақт ўтказиш шароитлари асосида туристик салоҳият даражаси аниқланади [жадвал 1].

Жадвал 1.

*Меъморий объектнинг туристик салоҳият даражасини баҳолаш усули.
(Катта Гулдурсун қаъра мисолида).*

№	Кўрсаткичлар	Балл
1.	Объектнинг визуал, эстетик жозибдорлиги ва ўзига хослиги	1
2.	Объектнинг ансамбллик даражаси (меъморий муҳит билан композицион, фазовий ва визуал алоқаси)	1
3.	Тарихий киймати (барпо этилган даври, тарихий воқеалар, шахслар ва маданий қадриятлар билан боғлиқлиги)	3
4.	Объектнинг сақлангалик даражаси	1
5.	Объектнинг фойдаланишга мослаштирилганлиги ва фаол ҳаётга жалб қилинганлиги	1
6.	Объект жойлашган ҳудудга ташриф буюриш имконияти (худудий яқинлиги, сарфланадиган вақт ва молиявий харажатлар)	2
7.	Объектга ташриф буюриш ва қолиш хавфсизлиги	3
8.	Сайёҳларни жалб қилишга бошқа объектларнинг мавжудлиги ва концентрация даражаси	2
9.	Объект ҳудудида узоқ вақт ўтказиш имконияти ва туристик инфратузилманинг мавжудлиги	2
10.	Объект жойлашган ҳудуднинг ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги	2
Умумий балл:		18

Диссертациянинг III боби “Оролбўйи сайёҳлик ҳудудларини ташкил этиш” деб номланиб, ушбу боб туристик ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ташкил этишга; лойиҳалашдан ва реабилитация тадбирларидан аввал турли хил таҳлил қилиш усулларига; Оролбўйи ҳудудида туристик ҳудудларни ривожлантириш ва ташкил этишга; туристик ҳудудларини шакллантириш ва стилистик муҳитини яратиш тамойилларига; Оролбўйи ҳудудларида ландшафт муҳитини ташкил этишга бағишланган.

Туристик ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ташкил этиш. Ҳозирги вақтда туристик муҳитни лойиҳалашдан ва реабилитация тадбирларидан олдин турли хил таҳлил қилиш усуллари мавжуд:

“шаҳарларнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш” усули⁴⁵;

⁴² Зорин А.И. Туристский центр и центр туризма: содержание и границы понятий (Электронный ресурс) // Теория и практика физической культуры. - 1999. - №11.: <http://lib.sportedu.ru/press/TPFK/1999N11/p23-25.html>.

⁴³ Орлов М.А. Крупные туристские центры // - М.: Стройиздат, 1983. 159 с.

⁴⁴ Казакова С.А. Архитектурная среда: вопросы туристской привлекательности // Сервис в России и за рубежом. Журнал Российский государственный университет туризма и сервиса // № 6 (53). 2014 г. Стр.: 3-13

⁴⁵ Потаев Г.А., Потаева Г.Р. Планировка, застройка и благоустройство городов - центров туризма: пособие проектировщику / Минск: Минсктиппроект, 2011. - 204 с.

"Кларк-Эванснинг энг яқин кўшничилик" усули ⁴⁶;

"худуднинг рекреацион салоҳиятини баҳолаш" усули ⁴⁷;

"турли хил лойиҳалаш босқичидаги тарихий ва маданий муҳитни лойиҳа олдида таҳлил қилиш" методологияси ⁴⁸;

"рекреацион тадбирларни ташкил этиш шароитларини баҳолаш" усули ⁴⁹.

Бир нечта комплексларни ўз ичига олган туристик зоналарни лойиҳалашда сайёҳлар ташриф буюрган объектларни уларнинг аҳамияти ва ташриф буюришларига қараб таснифлаш тавсия этилади. Худуднинг асосий режалаштириш маркази энг муҳим ташриф буюриладиган туристик объект бўлади. Режалаштириш ўқларини аҳамияти бўйича ҳам ажратишлиги мумкин. Асосий режалаштириш ўқи энг кўп ташриф буюриладиган сайёҳлик объектнинг асосий кириш жойи ҳисобланади. Кейинги муҳим режалаштириш ўқлари транспорт ва пиёдалар маршрутлари бўлиб, улар зонанинг бир қисми бўлган сайёҳлик мажмуаларига кириш ва мажмуалар ўртасидаги алоқаларни амалга оширади.

Шаҳар муҳитидаги мавжуд шароитларини таҳлил қилиш, ҳамда тадқиқот даврида тузилган туристик худудларни ривожлантириш схемаси ва туристик шаҳарлараро йўналишлар билан солиштириш натижалари шуни кўрсатдики, шаҳар муҳитида туристик тизимни, шунингдек туристик салоҳиятга эга архитектура объектларини яратиш масалалари бўйича ягона мезон йўқлиги сабабли яхлит туристик салоҳиятни аниқлаш ва баҳолаш тамойиллари ишлаб чиқилмаган.

Минтақада туристик худудларни ривожлантириш ва ташкил этиш. Тадқиқотда Жанубий Оролбўйи худудида туризмни ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ўрганиб чиқилди. Минтақанинг хусусиятлари унинг географик жойлашуви, табиий, маданий-маърифий, рекреацион ресурслари шароитида келтирилган. Туристлик фаолиятни ташкил этиш учун минтақа томонидан туризмни ривожлантиришда тарихий ва маданий мероси имкониятларидан фойдаланиш усуллари кўриб чиқилган.

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти бир қатор доминант омиллар асосида ўрганилди:

локализация омиллари. Худуднинг географик жойлашуви билан боғлиқ минтақавий сайёҳлик тизимидаги локализация омилларини ҳисобга олган ҳолда;

